

УДК: 316.422:351

## КИЧИК БИЗНЕС БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНСОН КАПИТАЛИ РОЛИНИ БАҲОЛАШ

Досчанов Тангирберган Досчанович, Урганч давлат университети, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Досчанов Акбар Тангирбергенович, Урганч давлат университети, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.

Атаев Жасур Эркинович, Урганч давлат университети, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.

## ОЦЕНКА РОЛИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОСТИ И БЕЗОПАСНОСТИ МАЛОГО БИЗНЕСА

Досчанов Тангирберган Досчанович, Ургенчский государственный университет, доктор экономических наук, профессор

Досчанов Акбар Тангирбергенович, Ургенчский государственный университет, доктор философии экономических наук (PhD), и.о. доцент

Атаев Жасур Эркинович, Ургенчский государственный университет, доктор философии экономических наук (PhD), и.о. доцент

## ASSESSING ROLE OF HUMAN CAPITAL IN ENSURING SMALL BUSINESS SUSTAINABILITY AND SECURITY

Doschanov Tangirbergan Doschanovich, Urgench State University, Doctor of Economics, Professor

Doschanov Akbar Tangirbergenovich, Urgench State University, Doctor of Philosophy in Economics (PhD), Associate Professor

Ataev Jasur Erkinovich, Urgench State University, Doctor of Philosophy in Economics (PhD), Associate Professor

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)да капитал ва ишчи кучидан фойдаланиш самардорлиги ҳамда турли вазиятларда уларнинг ялпи маҳсулот миқдорига таъсири баҳоланган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда инсон капитали ролини баҳолаш ва даромадларини ошириш имкониятлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, кичик бизнес, капитал, ишчи кучи, барқарорлик, хавфсизлик, даромад, сценарий, эластиклик, ишлаб чиқариш функцияси

**Аннотация.** В данной работе оценивается эффективность использования капитала и труда в малых и частных предприятиях, а также их влияние на объем валовой продукции в различных ситуациях. Также оценена роль человеческого капитала в обеспечении стабильности и безопасности малого бизнеса и частного предпринимательства, определены возможности увеличения их доходов.

**Ключевые слова:** предпринимательство, малый бизнес, капитал, рабочая сила, стабильность, безопасность, доход, сценарий, эластичность, производственная функция.

**Abstract.** In this paper evaluated the efficient use of capital and labor in small businesses and private enterprises, as well as their impact on amount of gross output in different situations. Also, evaluated role of human capital in ensuring stability and security of small business and private entrepreneurship, determined possibilities of increasing their income.

**Key words:** entrepreneurship, small business, capital, labor force, stability, security, income, scenario, elasticity, production function.

### 1. КИРИШ

Инновацион тадбиркорлик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асоси бўлиб, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган олимлар хулосаларига кўра, ижодкорлик янгиликнинг чексиз манбаи ҳисобланади ва ҳар қандай тадбиркорлик бизнесининг узоқ муддатли ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга [1]. Бугунги кунда тадбиркорлик тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб биз тадбиркорликни одамлар ўз хоҳишлари билан биргаликда ишлаш, таваккал

нади ва ҳар қандай тадбиркорлик бизнесининг узоқ муддатли ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга [1]. Бугунги кунда тадбиркорлик тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб биз тадбиркорликни одамлар ўз хоҳишлари билан биргаликда ишлаш, таваккал

килиш, бизнес яратиш ва ғоялар, тасаввурлар ҳамда миссияларни амалга оширишни лойиҳалаштириш жараёни, кадрият ва бойликни яратиш учун ижодий ва инновацион ғоялардан фойдаланиш билан боғлиқ жараён [2] эканлигига эътиборни қаратиб ўтмоқчимиз.

Тадбиркорликни ташкил қилишдан то уни йирик бизнесга айлангунча бўладиган жараёнлар тадбиркорлик йўналишида илмий изланиш олиб бораётган олимларнинг тадқиқот маркази ҳисобланади [3]. Эркин бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес бандликни таъминлаш, инновацияларни яратиш, барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида тан олинган бўлиб, унинг яшаб қолиши, муваффақияти ҳамда барқарорлиги ўз ечимини кутаётган ва доимий ташвиш туғдирувчи муаммолардан ҳисобланади [2].

Тадбиркорлик субъектларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда улар таъсир даражаларини баҳолаш муҳим бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичларини прогноз қийматларини ишлаб чиқиш, уларнинг фаолиятидаги таваккалчилик даражасини камайтирган ҳолда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

## **2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Кичик бизнес тадбиркорлик ҳамда йирик бизнес ривожини таъминлашнинг муҳим манбаи бўлиб, иқтисодиёт ва саноат тараққиётини таъминлашнинг асоси сифатида қаралади [4]. Шунингдек, кичик бизнес ялпи ички маҳсулотда салмоқли улушга эга бўлгани ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартиришнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралади [5]. Бироқ, кичик бизнес ўз тараққиёти давомида бухгалтерия кўникмалари етишмаслиги, таваккалчиликни бошқариш, умумий бошқарув, тажриба ва малака билан боғлиқ ўз салоҳияти доираси ва ундан ташқаридаги қийинчиликларга дуч келади [6,7]. Жумладан, номутаносиблик, тажрибасизлик, билим етишмаслиги, бошқарувнинг яхши ташкил қилинмаганлиги, молиявий бошқарувни талаб даражасида

бўлмаслиги, бухгалтерия юритиш жараёнида фойдаланиладиган дастурларни тушунмаслик кабилар кичик бизнес барқарорлиги ва хавфсизлигига таъсир кўрсатаётган омиллар ҳисобланади [8]. Ишбилармонлик муҳити ва корхона фаолияти тўғрисида тасаввурни шакллантиришга тадбиркорнинг маълумотлилик даражаси ҳам таъсир кўрсатади [9]. Жумладан, маълумотлилик даражасининг бизнес самарадорлиги, сотув ҳажми, рентабеллик ва барқарорликка таъсири мавжудлиги аниқланган [10], яъни олий маълумотли тадбиркорлар молиявий рискларни бошқаришда муваффақиятга эришишади [11]. Шунингдек, олий маълумотга эга тадбиркор инновацион жараёнларни тезлаштириш учун капитал манбаларини излаб топишда устунликка эга ҳисобланади [12].

## **3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Тадқиқот ишини амалга оширишда методология асосий омил ҳисобланади. Шу сабабли мазкур таҳлилни амалга ошириш, асосли хулосаларга эга бўлиш мақсадида сифат ва миқдор усулларида бирдек фойдаланилди. Ишлаб чиқариш функциясини тузишда Хоразм вилояти статистика бошқармасидан олинган иккиламчи маълумотлардан фойдаланилган. Маълумотлилик даражасини барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаган ҳолда корхона даромадига таъсирини баҳолаш учун бирламчи маълумотлар йиғилди. Таҳлиллар учун етарли маълумотлар тўпламига эга бўлиш мақсадида Хоразм вилоятида тадбиркорлик субъектларини инновацион ривожлантириш барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари таҳлиliga бағишланган махсус анкетасўровномаси шакллантирилди ва тадқиқот ўтказилди. Сўровнома бешта бўлимдан иборат бўлиб, жами 74 та саволни ўз ичига олган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳудудий жойлашуви, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият турлари каби хусусиятларини инобатга олган ҳолда танлама усулдан фойдаланиб, жами 300 та анкета тарқатилиб, шундан 251 таси белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган ва фойдаланиш учун яроқли эканлиги аниқланди. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш учун статистик ва экономет-

рик усуллар, хусусан корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланилди.

#### 4. ТАҲЛИЛЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда энг муҳим омиллар - ишчи кучи ва капиталнинг етарлилиги, замон талаблари даражасида рақобатбардошлиги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда ҳажмини оширишда муҳимдир. Яъни йиллар мобайнидаги динамикани ўрганиш ишчи кучи салоҳиятини ошиши, инвестициялар ҳажми мос равишда асосий воситаларнинг янгиланиши, фонд сиғими, фонд қайтими кўрсаткичларидаги ўзгаришлар таъсирини ифода-лашга хизмат қилади.

Келтирилганларни инобатга олган ҳолда тадбиркорлик, хусусан инновацион тадбиркорликни ривожланишида ишлаб чиқариш омилларининг ролини баҳолаб ўтишни жоиз топдик. Мазкур таҳлил тадқиқот объекти бўлган Хоразм вилояти мисолида, 2010-2021 йиллар маълумотлари асосида амалга оширилди. КБХТ субъектлари томонидан яратилган маҳсулот ҳажми ҳамда асосий капиталга киритилган инвестициялар 2010 йил нархларига ўтказилди ва реал қийматлари аниқланди.

Регрессион таҳлил натижаларига кўра, икки омилли Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясига эга бўлди.

$$Y = 5.1 * 10^{-4} * L^{1.84} * K^{0.22} \quad (1)$$

$$t = (-6.84) (9.13) (6.22) \quad R^2 = 0.98$$

Келтирилган моделнинг барча коэффициентлари Стьюдент мезонига кўра адекват,

улар эҳтимоллик даражаси деярли нолга тенг. Тадқиқот натижаларига кўра КБХТ субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ишчи кучи сони бўйича эластиклик коэффициенти 1,84 ни ташкил қилмоқда, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича 0,22 га тенг бўлмоқда. Натижада уларнинг эластиклик коэффициентлари йиғиндиси 2,06 ни ташкил қилгани ҳолда омилларни бир вақтни ўзида бир фоизга оширилиши КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини 2 фоиздан кўпроқ миқдорга оширишга хизмат қилади.

Иқтисодиётдаги кутилмаган ўзгариш ҳамда тебранишлар беқарорликни келтириб чиқаргани ҳолда тадбиркорлик субъектлари учун таваккалчилик даражасини ошишига сабаб бўлади. Иқтисодий тебранишларнинг натижалари бандлик даражаси ҳамда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топади. Шу сабабли биз олдинги даврдаги ўзгаришлар натижаларини инобатга олган ҳолда Хоразм вилоятида КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулот миқдорини турли вазиятларга мос келувчи сценарийларини ишлаб чиқишга қарор қилдик.

Сценарий учун Кобб – Дуглас ишлаб чиқариш функцияси ҳамда 2010-2021 йиллардаги ўзгаришларнинг критик миқдорларидан фойдаланилди. Турли вазиятларга мос келувчи вариантларни қараб чиқиш натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлинди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажмини турли ҳолатларга мос келувчи сценарийлар\*

Сценарийлар	КБХТ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ўсиши (фоиз)	КБХТда бандлар сони ўсиши (фоиз)	Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ўсиши (фоиз)
<b>1-сценарий</b> (максимал ўсиш даражаси)	<b>24.9</b>	7.4	50.7
<b>2-сценарий</b> (ўртача ўсиш даражаси)	<b>7.5</b>	1.6	20.2
<b>3-сценарий</b> (минимал ўсиш даражаси)	<b>-11.9</b>	-4.9	-12.8
<b>4-сценарий</b>	<b>18.1</b>	3.7	50.7
<b>5-сценарий</b>	<b>-5.8</b>	-4.9	14.5

\*-муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди

Биринчи сценарийда КБХТда бандлар сони ҳамда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2010-2021 йиллардаги мак-

симал қийматларига бир вақтда эришгандаги ҳолат қараб чиқилган. Агар мазкур шарт бажарилса, КБХТ субъектлари томонидан

ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини 24,9 фоизга ошириш имконияти мавжуд. Иккинчи сценарийда 2010-2021 йиллардаги ўртача ўсиш даражалари таъминлангандаги вазият қараб чиқилган бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини 7,5 фоизга ўстириш мумкин.

Учинчи сценарийда КБХТда бандлар сони ҳамда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини бир вақтда 2010-2021 йиллардаги минимал қийматига эришган ҳолат бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 11,9 фоизгача пасайиши кузатилди.

Тўртинчи сценарийда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг максимал қиймати таъминланган ҳолат қараб чиқилган бўлиб, айнан шу йили КБХТда бандлар сони 3,7 фоизга ошган натижада бандлар ва инвестициялардан самарали фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини 18,1 фоизгача ошириш мумкин бўлган. КБХТда бандлар сони ўсиш ўзининг минимал даражасига 2020 йилда эришган бўлиб, 4,9 фоизга камайган ва бу COVID 19 натижасида келиб чиққан иқтисодий пасайишнинг оқибатидир. Айнан шу йили асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори 14,5 фоизни ташкил қилинган ҳолда етиштирилган маҳсулот миқдорини 5,8 фоизгача пасайиши лозим эди.

Бироқ, ҳукуматимиз томонидан КБХТни қўллаб-қувватлаш, COVID 19 пандемиясини иқтисодийётга салбий таъсирини камайтириш бўйича тезкор амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида маҳсулот етишти-

риш ҳажмидаги ўсишни ижобий тенденцияси сақланиб қолинган.

Мазкур тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қатор ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичларни вилоятда КБХТ субъектлари фаолияти барқарорлиги ва хавфсизлигига таъсири аниқланди. Бироқ, иккиламчи маълумотлар мазкур кўрсаткичлар таъсирини баҳолаш имкониятини бермаганлиги сабабли социологик анкета сўрови асосида бирламчи маълумотлар йиғилди ва зарурий маълумотлар базаси яратилди. Мазкур база асосида Хоразм вилоятида тадбиркорлик субъектларини инновацион ривожлантиришда барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари, унга таъсир қилувчи омиллар, улар таъсирини эксперт усули асосида баҳолаш, маълумотлар базасининг бирламчи статистик таҳлили амалга ошириб ўтилди. Таҳлилларни бугунги кун талаблари асосида замонавий усуллар ҳамда дастурлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш натижалар илмийлигини асослашга хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда сифат кўрсаткичлари, яъни натижавий омил бинар бўлганда қўлланиладиган logit ва probit моделлари асосида анкета сўрови натижаларини моделлаштирилди ва омилларни тадбиркорлик субъектларини инновацион ривожлантиришда барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга таъсири миқдорий баҳоланди.

Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун Eviews дастуридан фойдаланилди ва натижалар 2-жадвалда келтириб ўтилди.

**2-жадвал**

**Eviews дастури асосида амалга оширилган таҳлил натижалари**

Dependent Variable: Y1				
Method: ML – Binary Logit (Quadratic hill climbing)				
Date: 06/21/21 Time: 18:01				
Sample: 1 253				
Included observations: 253				
Convergence achieved after 3 iterations				
Covariance matrix computed using second derivatives				
Variable	Coefficient	Std. Error	z-Statistic	Prob.
C	-0.903550	0.417574	-2.163807	0.0305
YEARS_ACTIVE	0.066626	0.028933	2.302777	0.0213
HIGH	1.046847	0.457752	2.286932	0.0222
SECONDARY_SPECIAL	0.814024	0.475023	1.713651	0.0866
SECONDARY	1.150637	0.536856	2.143288	0.0321

McFadden R-squared	0.039002	Mean dependent var	0.553360
S.D. dependent var	0.498130	S.E. of regression	0.489028
Akaike info criterion	1.360786	Sum squared resid	59.30871
Schwarz criterion	1.430616	Log likelihood	-167.1394
Hannan-Quinn criter.	1.388881	Deviance	334.2788
Restr. Deviance	347.8456	Restr. Log likelihood	-173.9228
LR statistic	13.56677	Avg. Log likelihood	-0.660630
Prob(LR statistic)	0.008814		
Obs with Dep=0	113	Total obs	253
Obs with Dep=1	140		

Дастур асосида олинган турли тест натижалари аниқланган коэффицентларни адекват эканлигини кўрсатмоқда ва улардан таҳлилларни амалга ошириш ҳамда хулосалар чиқаришда фойдаланиш имкониятини асосламоқда. Фақат ўрта махсус маълумотга эга бўлишнинг таъсирини ифодаловчи z-статистика 1,71 тенг бўлгани ҳолда эҳтимоллиги 0,91 ни ташкил қилмоқда. Детерминация коэффиценти анча паст бўлиб, бу ушбу кўринишдаги моделлар учун одатий ҳолат эканлиги таъкидланади. Яъни, “Афсуски, логистик регрессияда паст  $R^2$  қийматлари одатий ҳолдир ва бу уларнинг қийматларини чизикли регрессия қийматларини кўришга одатланган аудиторияга асослаш муаммо туғдиради ... шундай қилиб, ўрганилган регрессия моделларида  $R^2$  қийматларини мунтазам наشر этишни тавсия этмаймиз” [13]. Ишлаб чиқилган тенгламани куйидаги кўринишларда ифодалаш мумкин:

$$P = \frac{e^{-0.904+0.066*X_1+1.047*X_2+0.814*X_3+1.151*X_4}}{1 + e^{-0.904+0.066*X_1+1.047*X_2+0.814*X_3+1.151*X_4}}, \quad (2) \text{ ёки}$$

$$\ln\left(\frac{P}{1-P}\right) = -0.904 + 0.066 * X_1 + 1.047 * X_2 + 0.814 * X_3 + 1.151 * X_4 \quad (3)$$

Бу ерда:  $P$  - бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг корхона даромадини ошириш эҳтимоллиги даражаси;  $X_1$ -корхона фаолият кўрсатаётган муддат (йил);  $X_2$  – корхона раҳбарининг олий маълумотга эга бўлиши;  $X_3$  – корхона раҳбарининг ўрта махсус маълумотга эга бўлиши;  $X_4$  – корхона раҳбарининг ўрта маълумотга эга бўлиши.

Ишлаб чиқилган (2) ва (3) тенгламалардан кўриш мумкинки, корхона фаолият

кўрсатаётган муддат, раҳбарнинг маълумотлилик даражаси каби кўрсаткичлар билан бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг корхона даромадини ошириш эҳтимоллиги орасида мусбат боғлиқлик мавжуд, жорий ҳолатда корхона фаолият кўрсатаётган муддатнинг ошиши бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга, корхона даромадини оширишга хизмат қилади. Бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда корхона даромадини ошириш учун камида қанча йил фаолият кўрсатган бўлиши лозимлиги келтирилган модел асосида қараб чиқамиз. Бунда корхона фаолият кўрсатган йиллар сонини корхона барқарорлиги ва хавфсизлиги, даромадига чекли таъсирини камайиш қонунидан фойдаланган ҳолда аниқланди.

Келтирилган тенгламалар асосида корхона фаолият кўрсатган йилларни ошиши билан уни барқарорлиги ва хавфсизлиги, даромадига чекли таъсирини камайиш тенденцияси қараб чиқилди. Анкета сўров натижаларига кўра, корхоналарнинг ўртача фаолият даври 5,6 йилни ташкил қилади. Таҳлил натижаларидан маълум бўлишича, агар корхона раҳбари олий маълумотли ва корхона беш йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлса, унда унинг барқарорлиги ва хавфсизлигининг даромадини ошириш эҳтимоллиги 51 фоизни ташкил қилиб, фаолият муддатини бир йилга ошиши эҳтимолликни 1,7 фоизга оширади. Агар корхона 30 йил мобайнида фаолият юритаётган бўлса эҳтимоллик 84,7 фоизни ташкиб қилиб, чекли таъсир 0,9 фоизга тенг бўлади (3-жадвал).

## 3-жадвал

**Фаолият муддатини бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, корхона даромадини оширишга инсон омилининг чекли таъсир натижалари (раҳбар маълумоти олий бўлганда)**

	Коэффициентлар	Вариантлар							
		5	6	10	11	20	21	29	30
YEARS_ACTIVE	0.066626								
HIGH	1.046847	1	1	1	1	1	1	1	1
С	-1.333835	1	1	1	1	1	1	1	1
	$Y^*=\ln(p/(1-p))$	0,046	0,113	0,379	0,446	1,046	1,112	1,645	1,712
Эҳтимоллиги	$p=\exp(y^*)/$	0,512	0,528	0,594	0,610	0,740	0,753	0,838	0,847
	$(\exp(y^*)+1)$								
Чекли таъсир			0,017		0,016		0,013		0,009

Корхона раҳбарининг ўрта махсус маълумотга эга бўлиши унинг фаолият муддатини барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳамда даромадига таъсири бироз пастроқ бўлишига сабаб бўлади. Хусусан, юқоридаги кўрсаткичлардан фарқли равишда 5 йил

фаолият кўрсатганда эҳтимоллик 45,3 фоизни, 30 йил фаолият кўрсатганда эса 81,4 фоизни ташкил қилиши аниқланди. Бирок чекли таъсирни камайишидаги фарқ сезиларли эмас, яъни 0,1 фоизни ташкил этган (4-жадвал).

## 4-жадвал

**Фаолият муддатини бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, корхона даромадини оширишга инсон омилининг чекли таъсир натижалари (раҳбар маълумоти ўрта махсус бўлганда)**

	Коэффициентлар	Вариантлар							
		5	6	10	11	20	21	29	30
YEARS_ACTIVE	0,066626								
SECONARY SPECIAL	0,814024	1	1	1	1	1	1	1	1
С	-1,333835	1	1	1	1	1	1	1	1
	$Y^*=\ln(p/(1-p))$	-0,187	-0,120	0,146	0,213	0,813	0,879	1,412	1,479
Эҳтимоллиги	$p=\exp(y^*)/$	0,453	0,470	0,537	0,553	0,693	0,707	0,804	0,814
	$(\exp(y^*)+1)$								
Чекли таъсир			0,017		0,017		0,014		0,010

Юқорида келтирилган таҳлил натижаларидан фарқли равишда раҳбар маълумотининг ўрта даражада бўлиши фаолият муддатини бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, корхона даромадини оширишга таъсири бироз юқори қийматга эга бўлмоқда.

Хусусан, раҳбари ўрта маълумотли ва корхона беш йил фаолият кўрсатган бўлса,

унинг барқарорлиги ва хавфсизлиги таъминланган, корхона даромадини юқори бўлиш эҳтимоли 53,7 фоизни ташкил қилади. Фаолият муддатини 30 йилгача ошиши эҳтимоллик даражасини 86,0 фоизга қадар кўтарилишига олиб келади, шунингдек чекли таъсирни 1,7 фоиздан 0,8 фоизгача камайишини таъминлайди (5-жадвал).

## 5-жадвал

**Фаолият муддатини бизнес субъекти барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, корхона даромадини оширишга инсон омилининг чекли таъсир натижалари (раҳбар маълумоти ўрта бўлганда)**

	Коэффициентлар	Вариантлар							
		5	6	10	11	20	21	29	30
YEARS_ACTIVE	0.066626								
SECONDARY	1.150637	1	1	1	1	1	1	1	1
C	-1.333835	1	1	1	1	1	1	1	1
	$Y^* = \ln(p/(1-p))$	0,150	0,217	0,483	0,550	1,149	1,216	1,749	1,816
Эҳтимоллиги	$p = \exp(y^*) / (\exp(y^*) + 1)$	0,537	0,554	0,618	0,634	0,759	0,771	0,852	0,860
Чекли таъсир			0,017		0,016		0,012		0,008

Тадбиркорлик субъектлари барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ривожлантиришнинг стратегик режаларини, келгусида вилоятда КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини прогноз қийматларини ишлаб чиқиш асосида истиқболли йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

**5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Тадқиқот натижаларига кўра, корхона раҳбарининг маълумот даражаси тадбиркорлик субъектининг барқарорлик ва хавфсиз-

лигини таъминлаш асосида даромадларини ошириш эҳтимоллигига таъсири юқори даражада эмас. Жумладан, ўрта маълумотга эга бўлганларнинг олий маълумотлиларга нисбатан таъсирини юқори бўлиши соҳада муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида таълим тизимидаги ислохотларни кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда бозор қонунлари амалга қилишини таъминлаш лозимлигини асослайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Bessant, J. & Tidd, J. Innovation and entrepreneurship. John Wiley & Sons. (2007).; Ajagbe, A. M. & Ismail, K. Factors Influencing Venture Capital Assessment of High Growth Companies in Malaysia. International Journal of Entrepreneurship and Small Business, 21(4), 457-494, 2014.
2. Ajagbe, A. M. & Ismail, K. Factors Influencing Venture Capital Assessment of High Growth Companies in Malaysia. International Journal of Entrepreneurship and Small Business, 21(4), 457-494, 2014.
3. Ogunnaik, O. O. & Ogbari, M. E. (2008). "Impact of Entrepreneurship Risk Taking Decision Proces on Investment Objectives. International Journal of Investment and Finance, 1(1), 201-215.
4. Morina, Donjeta & Gashi, Prespp. (2016). The Role of SMEs on the Economic Development: Kosova's Case. SSRN Electronic Journal. 10.2139/ssrn.2820980.
5. Beck, T. Asli Demircuc, K. & Levine, R. (2005). SMEs Growth, and Poverty: Cross-Country Evidence. World Bank.
6. Idemobi, E.I. 2012. The problem of sustaining the growth of Small Medium Enterprises in a typical sub-Saharan African context. African Journal of Social Sciences, 2(1): 15-24.
7. Fatoki, O. 2014. The causes of the failure of new Small and Medium Enterprises in South Africa. Mediterranean Journal of Social Sciences, 5(20): 922-927.
8. Mbatha, Nonhlanhla & Ngibe, Musawenkosi. (2017). Factors affecting financial stability of small and medium enterprises: A case study of emerging markets. Risk Governance and Control: Financial Markets & Institutions. 7. 10.22495/rgcv7i1art1.
9. Virglerova, Z., Dobes, K., Kramolis, J., Kotaskova, A. (2017). The Influence of SME Owners's Education on Their Perception of Business Environment in Czech Republic. Economics and Sociology, 10(3), 321-332. doi:10.14254/2071-789X.2017/10-3/22
10. Van der Sluis, J., Van Praag, M. (2008). Education and Entrepreneurship Selection and Performance: A Review of the Empirical Literature. Journal of Economic Surveys, 22(5), 795-841.
11. Wang, W. (2012). How the small and medium-sized enterprises' owners' credit features affect the enterprises' credit default behaviour? Journal of Business Management and Economics, 3(2), 090-095.
12. Kato, M., Okamuro, H., Honjo, Y. (2015). Does Founder Human Capital Matter for Innovation? Evidence from Japanese Start-ups. Journal of Small Business Management, 53(1), 114-128.
13. Hosmer, D. W. & Lemeshow, S. (2000). Applied Logistic Regression (2nd Edition), New York: John Wiley & Sons, Inc